

## ТАЪЛИМ СОҲАСИДАГИ ИСЛОҲОТЛАР ВА УНИНГ ЎЗИГА ХОС ЖИҲАТЛАРИ

Амиркулов Шарофиддин Қобул ўғли

Қашқадарё вилоят қўриқлаш бошқармаси масъул ходими

**Аннотация:** Ушбу мақолада таълим соҳасидаги ўзгаришлар, янгиланишлар, амалга оширилаётган ислоҳотлар ва уларнинг мазмун-моҳияти ҳақидаги маълумотлар умумлаштирилган.

**Калитли сўзлар:** Таълим, ислоҳот, мактабгача таълим, олий таълим, узлуксиз таълим, ижтимоий, ҳуқуқ, маданият, ўқитувчи, Ҳаракатлар стратегияси, Тараққиёт стратегияси, докторантура

Мамлакатимизда таълим соҳасида ёшлар учун, уларнинг келажақда етук кадрлар бўлиб етишишлари учун барча шарт-шароитлар яратилмоқда. Таълим тизимининг барча бўғинларида ислоҳотлар босқичма-босқич амалга ошириб келинмоқда.

Давлатимизнинг эртанги куни бўлган ёшларнинг қай даражада билимли экани билан бевосита боғлиқдир. Шу боис, таълим тизимини ривожлантириш масаласига ҳукумат даражасида эътибор қаратилиши ҳар бир давлатнинг муҳим вазифаси ҳисобланади.

Ўзбекистонда сўнгги йиллар давомида Ҳаракатлар стратегияси ва унинг мантиқий давоми саналмиш Тараққиёт стратегияси доирасида, ривожланган давлатлар каби узлуксиз таълим тизимини мунтазам такомиллаштириб бориш, сифатли таълим-тарбия бериш, малакали кадрларни тайёрлаш бўйича сезиларли ислоҳотлар амалга оширилди.

Ушбу ислоҳотлар учун давлат бюджетидан харажатлар сўнгги 6 йилда 4,3 бараварга оширилди, мактабгача таълим ташкилотлари сони 2016 йилдаги 5211 тадан 2021 йилга келиб 19316 тага, мактаблар сони 9719 тадан 10289 тага етказилди, 11 йиллик мажбурий мактаб таълими қайта тикланди, мактаб ўқитувчиларининг иш юклагаси мақбуллаштирилди ва мажбурий меҳнатга барҳам берилди. Таълим соҳаси вакилларининг ойлик маоши қарийб 4 бараварга оширилди, ОТМ сони 70 тадан 191 тага етказилди, олий таълимдан кейинги таълимнинг икки поғонали таянч докторантура (PhD) ва докторантура (Doctor of Science) тизими жорий этилди.

Таълим соҳасидаги ислоҳотлар натижасида мактабгача таълим билан қамров даражаси 27,7 фоиздан 67 фоизга, мактаблардаги малакали олий маълумотли ўқитувчилар улуши 81,8 фоиздан 87,8 фоизга, ёшларни олий таълим билан қамров даражаси 9 фоиздан 38 фоизга етказилди.

Соҳада ислоҳотларни изчил давом эттириш мақсадида 2026 йилга қадар Тараққиёт стратегияси доирасида мактабгача таълимда қамров даражасини ҳозирги 67 фоиздан 80 фоизга етказиш, 7 мингдан зиёд янги нодавлат МТТларни ташкил этиш, халқ таълими тизимида қўшимча 1,2 миллион ўқувчи ўрнини яратиш, Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятининг бошланғич синф ўқувчилари учун бепул овқатланиш бўйича йўлга қўйилган ижобий амалиётни 2023/2024 ўқув йилидан қолган барча вилоятлар ва Тошкент шаҳри мактабларида ҳам жорий этиш кўзда тутилди. Шунингдек, олий таълимда қамров даражасини 50 фоизга, нодавлат ОТМлар сонини камида 50 тага етказиш белгилаб олинди.

Юқорида келтирилган ислоҳотларни янада мустаҳкамлаш ва бардавом бўлишини таъминлаш, конституциявий қонунчиликда ёшларнинг узлуксиз таълим олишга бўлган имкониятларини мустаҳкамлашни тақозо этмоқда.

Шуни инобатга олган ҳолда, янгиланган Конституцияда илк маротаба боғча ёшидаги болаларнинг таълим ва тарбияси соҳасидаги давлат қафолатининг жорий этилиши, боланинг ўрта таълим олиши мажбурийлиги ва давлат томонидан бепул таъминланиши, фуқаролар давлат таълим ташкилотларида танлов асосида давлат ҳисобидан олий маълумот олиши каби қўшимчалар билан тўлдирилмоқда.

Таълим соҳасида давлатнинг алоҳида мажбуриятлари сифатида имконияти чекланган болаларнинг сифатли таълим олиш имкониятларини кенгайтиришга қаратилган аниқ механизмлари назарда тутилган бўлиб, таълим ташкилотларида алоҳида таълим эҳтиёжларига эга бўлган болалар учун инклюзив таълим ва тарбия таъминланиши ҳақида ижтимоий норма киритилмоқда.

Юқоридаги ислохотларни амалга ошириш учун таълим бериш сифатига эътибор бериш ва ушбу соҳада ишлашнинг жозибадорлигини доимий равишда оширишиб бориш зарур. Зеро, миллат ва халқнинг ривожини, унинг интеллектуал салоҳиятини ошириш ўқитувчилар фаолиятига боғлиқ. Ўқитувчи илм-фан сирлари, маънавий ва маданий меросни ёшларга етказишда муҳим бўлган ҳисобланади. Демак, ўқитувчиларга ўзларининг салоҳиятини тўлиқ намоён этишлари учун зарур шарт-шароитларни яратиш, уларни ижтимоий, ҳуқуқий, моддий қўллаб-қувватлаш даркор.

Шу боис, Конституцияга ўқитувчининг жамиятдаги мақомига бағишланган алоҳида модда киритилмоқда. Ўзбекистонда ўқитувчининг меҳнати жамият ва давлатни ривожлантириш, соғлом, баркамол авлодни шакллантириш ҳамда тарбиялаш, халқнинг маънавий ва маданий салоҳиятини сақлаш ҳамда бойитишнинг асоси сифатида эътироф этилиши мустаҳкамланмоқда. Давлатнинг ўқитувчилар шаъни ва кадр-қимматини ҳимоя қилиши, уларнинг ижтимоий ва моддий фаровонлиги, касбий жиҳатдан ўсиши тўғрисида ғамхўрлик қилиши назарда тутилмоқда.

Ўз навбатида, мазкур янгилик мамлакатда фаолият юритаётган 685 мингдан ортиқ педагогнинг ижтимоий маънавиятини мустаҳкамлаш, уларни давлат томонидан қўллаб-қувватланишини кучайтириш ва касбий ўсишини таъминланишига замин яратади.

Замонавий ҳаётни бугун илм-маърифат ва таълимнинг тараққиётисиз тасаввур этиб бўлмайдиган, инсоният фан ўқи атрофида айланаётгандек гўё.

Жаҳоннинг етакчи давлатларида таълимни ривожлантириш биринчи галдаги вазифа сифатида белгиланиши ҳам бежиз эмас. Негаки, мамлакатнинг келгуси равнақи айнан шу соҳада қўлга киритилган ютуқлари билан чамбарчас боғлиқдир.

Бугунги кунда олий таълим муассасаларининг таълим бериш фаолияти янада такомиллаштирилиб, халқимизнинг асрлар давомида шаклланган илм сари интилиш фазилати яна бир бор намоён бўлмоқда. Ёшларимиз соғлом ҳамда гўзал турмуш кечириши, эгаллаган касби бўйича доимий иш ўрнига эга бўлиши, масъулиятни ўз зиммасига олиши, инсоний кадр-қимматини камситилишига йўл қўймадлиги, қисқача айтганда, комилликка эришиш учун ҳаракат қилинапти ва бу жараёнда таълим олишни энг асосий шарт сифатида белгиланмоқда.

Мамлакатимизда 2019 йилнинг октябрида Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси қабул қилинди. Ушбу ҳужжатга интеллектуал тараққиётни жадаллаштириш, рақобатбардош кадрлар тайёрлаш, илмий ва инновацион фаолиятни самарали ташкил этиш ҳамда халқаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш мақсадида фан, таълим ва ишлаб чиқариш интеграциясини ривожлантириш сингари вазифалар асос қилиб олинди. Концепция мазмуни мамлакатимиз олий таълим тизимини ислоҳ қилишнинг устувор йўналишларини акс эттиради. Унда олий ўқув юртларида қамров даражасини кенгайтириш ҳамда таълим сифатини ошириш, рақамли технологиялар ва таълим платформаларини жорий этиш, ёшларни илмий фаолиятга жалб қилиш, инновацион тузилмаларни шакллантириш, илмий тадқиқотлар натижаларини тижоратлаштириш, халқаро эътирофга эришиш ҳамда бошқа қўллаб-қувватлаш аниқ йўналишлар белгилаб берилган. Буларнинг барчаси таълим жараёнини янги сифат босқичига кўтариш учун хизмат қилиши табиий.

Президент Шавкат Мирзиёевнинг Ўқитувчи ва мураббийлар кунига бағишланган тантанали маросимдаги нутқида таъкидланганидек, ушбу кенг қўламли демократик ўзгаришлар, жумладан, таълим ислохотлари орқали Ўзбекистонда янги Уйғониш даври, яъни учинчи Ренессанс пойдеворини яратишдек улғувор мақсад белгилаб олинди.

Хулоса шуки, инсон капитали сифатини оширмасдан туриб, кейинги иқтисодий ўсишни таъминлаш қийин кечади. Шу боис, зарур куч ва ресурсларни таълим сифатини оширишга,



малакали кадрлар тайёрлашга йўналтириш нафақат бугун, балки эртанинг ҳам устувор вазифасига айланмоқда.

**Фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати:**

1. <https://xs.uz/uzkr/post/talim-tizimi-islohotlari>
2. <https://strategy.uz/index.php?news=1725>
3. [www.uza.uz](http://www.uza.uz).
4. [www.lex.uz](http://www.lex.uz).
5. [www.history.uz](http://www.history.uz).